



# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чىقى бошлаган, e-mail: axborotXAsr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 25 октябрь, пайшанба, 43 (467)-сон



Фармон ижроси қатъий назоратга олинади

**3** ФАРМОН ВА ИЖРО



Харакат дастурлари тадбиркорликка кенг йўл очмоқда

**4** МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА



Кучли куй бўғиндан — кучли партиёга

**5** ТАЯНЧ НУҚТАЛАР

## Парламентда

### ҚўМИТА ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш якунлари ҳақида»ги қўми та қарорининг ижроси муҳокама қилинди

— Президентимиз Исло Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатишлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборидаги масалага айланди. — деди йиғилишда қўми та раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев.

3 >>>

## Янги ўналиш



### «AFROSIYOB» ЭНДИ БУХОРОГА ХАМ БОРАДИ

Ўтган йилдан «Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Afrosiyob» тезорар поездларининг яқин орада пойтахтимизни Бухоро ва Қарши шаҳарлари билан боғлаши кутилмоқда.

Оlam.uz сайтида хабар қилинишича, айна пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ана шу лойиҳани ҳаётга табиқ этиш юзасидан тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, «Тошкент-Бухоро-Тошкент» йўналиши ишга тушса, «Afrosiyob» орадаги масофани 4 соатда босиб ўтиш имкониятига эга бўлади. Шу ўринда ҳозир олдий поездлар бунинг учун 6-7 соат вақт сарфлаётганини айтиб ўтиш жоиз.

# ФАРМОН ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКISTONДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУЧГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН НИХОЯТДА МУХИМ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА БАРЧА ҲУДУДЛАРИМИЗДА АКС-САДО БЕРА БОШЛАДИ**



Агар яқин тарихимизга назар ташласак, мустақилликнинг дастлабки даврларидаёқ қишлоқ мулкдорларининг жамиятда тутган ўрни муҳим эканига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарига «Бугунги кунда қишлоққа ўзининг асл қадр-қимматини қайтармоқ зарур. Қишлоқ ҳўжалиги қайта тугилиши керак.

Қишлоқ меҳнатқашларига ишонч бағишлаш керак. Ўзбекистон барча аҳолисининг турмуш даражаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигига, уларнинг меҳнат шижоатига боғлиқ. Дехқон тўқ бўлса, бутун республика ҳам бадавлат бўлади» дея таъкидланган эди. 90-йилларда илгари сурилган ва қишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланишига йўл очган яна бир фикрга эътибор беринг:

«аграр сиёсатнинг асоси — давлатнинг қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқариб боришдан воз кечишдир».

Аслида мазкур даъват бугунга келиб иқтисодий-сиёсий таянчга айланган фермерларнинг пайдо бўлишига асос бўлган эди.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг вилоятларга ташрифи чоғида асосан фермерлар билан учрашишлари,

уларга йўл-йўриқ ва тавсиялар беришлари ҳамда ана шу мулоқотлар натижаси сифатида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши эвазига фермерларда ерга, мулкка эгаллик туйғуси шаклланди, десак муболаға бўлмайди.

Президентимизнинг 2012 йилнинг 22 октябридаги фармони яна бир бор ислохотларнинг тадрижий-

лиги ва изчиллиги ифодаси бўлганини соҳа мутахассислари алоҳида таъкидламоқдалар. Зеро, бугунга келиб фермерлар қишлоққа саннатни олиб кириш, аграр секторнинг барча тармоқларини йўлга қўйиш орқали минг-минглаб иш ўринлари ташкил этиш ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартиришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

2 >>>

## О'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚўМИТАСИДА

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз Исло Каримовнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқадиган долзарб вазибалар муҳокама қилинди



Унда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев ушбу фармонни фермерлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг мантқий давоми, айна пайтда эса қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш, улар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилишга кенг йўл очиб берадиган тарихий ҳужжат, дея таъкидлади.

3 >>>

## Семинар

### Мўйноқдаги муҳокама мавзусида

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида партиянинг парламентдаги фракцияси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Жанубий Оролбўйида экологик муҳитни яхшилаш ҳамда худудни барқарор ривожлантиришда инвестициявий лойиҳаларнинг роли ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди



Президентимиз Исло Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига алоҳида таъкидланганидек, табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатларида муайян қонуний мавжудки, уларнинг бузилиши кейинчалик тузатиш мушкул бўлган экологик ҳалокатларга олиб келади. Дарҳақиқат,

Орол муаммосининг юзига чиқиш ҳолати таҳлил қилинганда инсон омилнинг «хизмат»ларидан кўз юмиб бўлмайди. Собиқ тузум давридаги калтабин сиёсат Оролбўйидаги халқ ҳўжалиги тармоқларини издан чиқаришдан ташқари минглаб одамларнинг улкан экологик инқироз билан рубару келишларига ҳам сабаб бўлди.

4 >>>

## ШУ СОНДА:



### УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲўЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА

«Ўзэкспомарказ» павильонларида VI Халқаро саннат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давом этмоқда

## ФАРМОН ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Давоми. Бошланғи 1-саҳифада

Фармонда фермерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айлангани, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бугунги кун талаблари эса ана шу қатлам учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва фермерлик ҳаракатини янги bosқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда. Фармонда бу соҳага комплекс ёндашувнинг аниқ ва равшан йўллари, бу борадаги муҳим вазибалар қатъий белгилаб берилди. Хусусан, хўжатда энг аввало, ижара муносабатларини ривожлантириш ва мустахкамлашга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари, манфаатларининг ҳимоя қилиниши ва самарали фаолият юритишларини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDePнинг парламентдаги фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Фармонда фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни жорий этиш, қишлоқ ҳудудларида янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш, ривожлантириш ҳисобига механизациялаш даражаси ва рентабеллигини оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Бу масала гарчи маҳаллий ҳокимликлар зиммасига улкан масъулият юкласа-да, жойлардаги депутатлик гуруҳлари ушбу муҳим вазибани доимий назоратга олишлари лозим бўлади. Айниқса, фармонда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси тугатилиши ва Фермерлар кенгашини ташкил этиш белгилангани, янги тузилма зиммасига фермерликни ривожлантириш, моддий ва молиявий базасини мустахкамлаш ва фермер хўжаликларининг мулкрий муносабатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун соҳага оид қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқиш вазибаси юклатилгани айни муддао бўлди. Чунки бундай тақдирларнинг айни шу соҳа вакиллари билан бир тану бир жон бўлиб иш олиб бораётган ташкилот мутахассислари томонидан тайёрланиши уларнинг ҳаётийлигини ҳам таъминлаб беради. Бу жараён, шубҳасиз, O'zLiDeP аъзолари, партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатларидан тортиб парламентдаги фракциямиз аъзолари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Зеро, O'zLiDeP дастури ва Сайловолди платформасида ҳам қишлоқ мулкдорлари манфаатини ҳимоя қилиш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бирламчи масалалар сифатида белгилаб олинган. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони фермерлик фаолиятини бутунлай янги bosқичга кўтариш баробарида сиёсий партиялар, айниқса, O'zLiDePнинг бу жараёндаги фаолиятини замон талаблари даражасига олиб чиқишни ҳам тақозо этади.



— Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан танишиб, фермер сифатида бундай гамхўрликдан бошим осмонда этди.



Серенбай СЕЙИТНАЗАРОВ, Ўзбекистон Каҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тахтакўпир туманидаги «Таймбет ота» фермер хўжалиги раҳбари:

Янги фармон билан бутунлай янги тузилма — Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг ташкил этилиши ва унга бир қатор ваколатлар берилганлиги эса фермерлар учун янада кенгроқ имкониятлар яратишга хизмат қилади, албатта. Мазкур кенгаш фермерлар

фаолиятини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилгани айни муддаодир.

Шу ўринда Юртбошимизнинг юртимиз пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўллаган табриги биз, фермерлар

кўнглини тоғдек кўтарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хўжалигимизда меҳнат қилаётган, ўз ишининг устаси бўлган 100 дан зиёд миришкор деҳқонлар ҳам бу қутловни катта миннатдорлик билан қабул қилдилар. Бундай юксак эътибор аслида катта масъулият ҳамдир. Бу масъулият фақат хом ашё етиштириш билан чекланмасдан, уни қайта ишлаш, қишлоққа sanoatни олиб кириш жараёнини янада тезлаштиришни ҳам тақозо этади. Зеро, мустақиллик деҳқонлар учун кенг имкониятлар яратиш берди, улар ҳақиқий маънода

мулк эгасига айландилар. Хусусан, «Таймбет ота» фермер хўжалиги ишчи-хотимлари ҳам қишлоқ хўжалигининг янги йўналишларини ўзлаштиришга ҳам айландилар. Шу мақсадда 2008 йилда Голландия ва Эстониядан зотдор қорамоллар олиб келиб парварিশлай бошладик. Эллик гектар ерга йўнги-чқа ва маккажўхори экиб, озуқа базаси учун мустаҳкам замин ҳозирладик. Бундан ташқари, 2004 йилдан буён балиқчиликни ривожлантириш, йилгига 80 тоннадан зиёд парhez гўшт маҳсулотларини элимиз дастурхонига тортиқ этаёلمиз.



Гўзал ШУКУРОВА, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзоси, Қибрай туманидаги «Истиклол Шукурова Гўзал» фермер хўжалиги раҳбари:

### — Юртбошимизнинг ушбу муҳим фармонини фермерларга кўрсатилаётган гамхўрликнинг яна бир ифодаси, деб билдим.

Зеро, Юртбошимиз қай бир ҳудудга ташриф буюрмасанлар, биринчи гада фермерлар ҳолидан хабар олиб, улар фикри билан қизиқадилар. Хо-

раз вилоятига сафарлари чоғида ҳам фермерлар билан учрашиб, қишлоқ мулкдорлари иқтисодий ислохотларнинг ҳал қилувчи кучига ва жами-

ят ҳаётида муҳим ўрин эгалловчи кишиларга айланиши лозимлигини таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам, бугунги фермер иқтисодий, ҳуқуқий билими, дунёқароши билан ҳам аввалги фермерлардан тубдан фарқ қилади. Ўз фаолиятимизда ҳам бунга амин бўлаёلمиз. Хўжалигимиз ташкил этилган дастлабки йиллар бугунгидек хизмат кўрсатувчи бирон-бир ташкилот раҳбари билан юзма-юз гаплашиш уёқда турсин, ҳатто уларга ўз фикримизни уйдлаб тушунира олмадик. Энди-чи, Юртбошимиз қатъияти ва ташаббуслари билан фермерлар учун кенг йўл очиб,

барча шарт-шароитлар яратилди. Биз бугун нафақат ишлаб чиқарувчи, балки ўз маҳсулотимизни қайта ишловчи, ҳатто хизмат кўрсатувчи ҳам айландик. Хўжалигимиз ташкил этилганда атиги 1 та тракторимиз бор эди. Ҳозирда қўша-қўша замонавий техника ва автомобилларга эгамиз. Президентимизнинг мазкур фармонлари бундан кейинги фаолиятимиз ривожига, айниқса, фермер хўжаликларининг нафақат ички, балки ташқи бозорга янада кўпроқ маҳсулот соғишлари, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси борасида ҳам муҳим аҳамият касб этишига ишонаман.

### — Ҳақиқатан ҳам «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон соҳани янада ривожлантиришга қаратилган муҳим қадам бўлди, албатта.

Унинг кучга кириши фаолиятимизни янада кенгайтириш, соҳага янги технологиялар ва sanoatни жорий этиш учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш бериши шубҳасиз. Айниқса, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ташкил этилиб, унга фермер хўжаликларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тайёрлов-таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, сулларда ишлар кўриб чиқилаётганда ошкоралик, очиқлик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш ваколатлари берилгани фермерларнинг айни кундаги муаммоларини бартараф этишнинг ишончли механизмларини шакллантиради, деб ўйлайман.



Фарход ЭШКОБИЛОВ, Шаҳрисабз туманидаги «Шаҳзодабону Фарход кизи» фермер хўжалиги раҳбари:

### ШУНИ АЛОҲИДА ЭЪТИРОФ ЭТИШ КЕРАК, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ, СОҲАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ФАОЛИЯТИМИЗ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРДИ.

муваффақиятли ўтказиб олсак, юртимиз хирмони-га янада кўпроқ улуш қўшган бўлардик.


Тадбиркорлар ва фермерларга берилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда биз блок-ғишт ишлаб чиқарадиган мини цех ташкил этиб, 5 нафар ёш иш билан таъминладик. Эндиликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи технологияларни келтириш учун ҳаракат қилаёلمиз. Умуман олганда, бугунга келиб юртимизда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб берувчи асосий бўлиб, ҳаққининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланди.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Тошкент вилоятида «Ўзбекэнерго» ДАК ташаббуси билан 750 кВт миқдорда электр қуввати ишлаб чиқариш имконига эга бўлган шаомол энергоқурилмасини бунёд этишга киришилди. Gazeta.uz сайтидан хабар қилинишича, баландлиги 65 метрни ташкил этадиган қурилма парраклари айланасининг узунлиги 50 метрга этади. Минора асосининг диаметри эса 3,5 метрдан ошади. Таъкидлаш жоиз: бундай ҳажмдаги шаомол генератори бундан аввал нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осий ҳудудига ҳам барпо этилмаган. Маълумотларга кўра, яқинда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун эълон қилинган тендер ғолиби — Хитойнинг Xian Electric Engineering компанияси томонидан қурилманинг пойдевор халқаси, парраклари ҳамда уларни ҳаракатга келтирувчи мослама — гупчаги келтирилиб ўрнатилга бошланган. Эътиборлиси, эпоксидланган шисасимон смоладан тайёрланган, ҳар бири 3 тонна оғирликка эга бўлган парракларга шикаст етказмаслик мақсадида улар Чин юртидан автотранспорт воситаларида олиб келинган. Шу ўринда бунёд этилаётган шаомол энергоқурилмаси «Ўзбекэнерго» тизимида қайта тикланувчи манбалардан электр қуввати олиш бўйича қўйилган дастлабки қадамлардан бири эканини таъкидлаш лозим.

### ТАЙМАЗОВ — ЯНГИ МУКОФОТ СОҲИБИ

Эркин курашчимиз — Артур Таймазовга Осий Олимпия Кенгашининг (ООК) янги мукофоти топшириладиган бўлди. Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасидан хабар қилинишича, Осийнинг энг кучли спортчиларини муносиб тарзда тақдирлашни мақсад қилган ООК томонидан махсус мукофот таъсис этилди. Ўз навбатида, Кенгаш мазкур мукофот билан дастлаб қитъанинг Лондонда бўлиб ўтган XXX Олимпия ўйинларида Осий ёки Жаҳон рекордларини қайд этган спортчиларни тақдирлашга қарор қилди. Қувонарлиси, «ООК Олимпия мукофоти»га лойиқ топилган sanoqli спортчилар қаторида



хамюртимиз А.Таймазов ҳам бор. Эслатиб ўтиш лозим: Артур «Лондон-2012» мусобақаларидаги ютуғидан сўнг Олимпия ўйинларининг эркин кураш йўналишида учта олтин ва битта кумуш медали кўлга киритган дунёдаги ягона спортчидир. Маълумотларга кўра, ООК янги мукофотларини ўз ағаларига жорий йилнинг ноябрь ойида Макао (Хитой) шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Бош Ассамблеясида топширади.

## О'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

— Президентимизнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида фикр-мулоҳазалари ва ушбу фармонда белгилаб берилган вазифалардан тегишли хулосалар чиқариб, О'zLiDePнинг фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга доир фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозим, — деди М.Тешабоев. — Фармонда кўрсатилган вазифалар, ўз навбатида, партия Сайловолди дастуридagi режалар билан ҳамоҳанг бўлгани учун ҳам уларни амалга ошириш орқали

### ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИГА САЙЛАНДИГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ПАРТИЯ КАДРЛАР ЗАХИРАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ, ЯНГИ ТУЗИЛМА ТАРКИБИГА ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРНИ КЕНГРОҚ ЖАЛБ ЭТИШ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.

Сайловолди дастуридаги вазифалар изчиллигини ҳам таъминлашга эришамиз. Айниқса, фармон билан тасдиқланган «Фермер хўжалиқларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий ба-

дан ўз вақтида амалга оширилиши бўйича аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда фармонда Ўзбекистон фермер хўжалиқлари уюшмаси тугатилиши ва қишлоқ мулкдорлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун янги тузилма — Фермерлар кенгашини тузиш белгилангани минг-минглаб фермерлар кўнглидаги қарор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Йиғилишда О'zLiDeP фракцияси раҳбари Б.Якубов сўзга чиқиб, Президентимиз фармонида соҳага оид қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини, фракция аъзолари унинг ижроси талабларини бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланишини билдирди. Фракция раҳбари, шунингдек, соҳага оид қонунчилик базасини танқидий жиҳатдан кўриб чиқиш лозимлигига ҳам эътибор қаратди.

Ижроия қўмига йиғилишда Фермерлар кенгашини ташкил этиш жараёнида фаол қатнашиш, бу борада давлатнинг аграр соҳага иқтисодий моҳиятини чуқур англайдиган, қишлоқ мулкдорлари орасида обрў-эътибор қозонган, соҳанинг сир-асрорларидан, фермерларнинг

ҳаётий муаммоларидан яхши хабардор бўлган ташаббускор инсонлар номзодини кўрсатиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди. Бунда Фермерлар кенгашига сайланадиган номзодлар учун партия кадрлар захирасидан фойдаланиш, янги тузилма таркибига ташаббускор аёллар ва ёшларни кенгроқ жалб этиш лозимлиги таъкидланди.

Фармоннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишда эса барча бўғиндаги партия аъзоларини жалб этишга келишиб олинди.

Йиғилишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутatlари, Қибрай туманидаги «Истиқлол Шукурова Гузал» фермер хўжалиги раҳбари Гузал Шукурова ва Охангарон туманидаги «Сарвар-Азиз-Умирзола рамзи» фермер хўжалиги раҳбари Шунқор Умирзоқовлар сўзга чиқиб, Президентимиз фармони жойларда жуда хиддий ўрганилаётганини, айниқса, Фермерлар кенгашининг тузилиши ва унга берилаётган ваколатлар фермерлик ҳаракатини янги босқичга олиб чиқишини таъкидладилар. Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



## Қўмига қарори қандай бажарилмоқда?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

— Матбуот соҳасида иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустақкам ўринга эга бўлиб бориши, амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини, янги жаҳият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда. Шу маънода, бугун «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қўнунларнинг Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунлари ҳақида»ги қўмига қарори қандай бажарилаётгани юзасидан ушбу вилоятлар ҳокимликлари мутаассидиларининг ахбороти эшитилаётгани бежиз эмас.

ҳўжатлари ижросини таъминлаш ҳамда тизимда амалга оширилаётган демократик ислохотларни тобора чуқурлаштириш ҳар икки вилоятда ҳам ОАВ нафақат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатдан ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 1991 йилда Андижон ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритган оммавий ахборот восита-

ҳокимият мутаассидиларининг муносабати қандай бўлаётгани сингари масалалар тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Айниқса, ахборот ҳукмронлиги даври бўлган бугунги глобаллашув жаъраёнларида ҳали онги ва дунёқараш тўла шаклланиб улгурмаган ёшларининг турли кўринишдаги ахборот хуружларидан



**Барно АБДУЛЛАЕВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

### Бугунга келиб қишлоқ мулкдорлари бўлган фермерлар, агросаноат тизимидаги корхона ва ташиқотларнинг фидокорона меҳнати ўз самарасини берди

Пахтакорларимиз жорий йилда 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон кўтариб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, қолаверса, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Бунга, энг ав-

вало, аграр соҳа вакиллари янада ҳам таъминлашга қўллаб-қувватлаш, уларни қимёвий ўғит, ёнилғи билан таъминлашнинг яхлит тизими яратилгани асосий омил бўлганини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан Президентимиз

Ислом Каримовнинг юртимиз пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табриги халқимиз кўнглини фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдириб, десам муболага бўлмайди.

Юртбошимиз табригидан айни пайтда аграр сектордаги ислохотлар самараси учун улкан масъулиятни зиммасига олган фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қиладиган партия вакиллари сифатида қўлга киритилган натижалар салмоғини янада ошириш учун биз ҳам тегишли хулоса-иб бораётган боғдорчилик, асаларчилик ва пиллачилик сингари йўналишларни ҳам ривожлантиришга қаратил-

натқашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида изчил ишлар амалга оширилди. Қонунчилигимиз тобора такомиллашиб бормоқда. Аммо шунга қарамай қўнунлар асосида ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар борки, бундан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари тегишли хулосалар чиқармоқдалар. Маълумки, айни пайтда пахтачилик ва галлачилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар етарли бўлса-да, қўлами ва қарови тобора кенгайиб бораётган боғдорчилик, асаларчилик ва пиллачилик сингари йўналишларни ҳам ривожлантиришга қаратил-

ган қўнунларни ишлаб чиқиш борасида зиммасига янгида-янги вазифалар юклатилмоқда. Чунки жойларда бўлиб фермерлар, деҳқон хўжалиқлари вакиллари билан учрашганимизда соҳада баъзи мунозарали ҳолатлар юзага келаётганини, бундай ҳолатлар қишлоқ хўжалигининг янада тараққиётига тўсиқ бўлаётганини кўриб туришимиз. Ушбу йўналишларни ҳам тартибга солишни ҳуқуқий асосларни шакллантириш, соҳа вакиллари учун янада қулай ҳуқуқий шароитлар яратишнинг долзарблиги айни Қонунчилик палатаси депутатларидан ташаббускорлик ва изчил иш олиб боришни тақозо этади.



**Ориф ШАРИПОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси

### Юртбошимиз табригида алоҳида таъкидланганидек, бу ғалаба жорий йилдаги оғир табиат шароитларида улкан жасорат тимсоли бўлди, деб бемалол айтсак бўлади

Тан олиш керак, ҳозирда миришкорларимиз ўз зиммаларидаги бурчларини тўла-тўқис адо этишлари учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, минерал ўғитлар билан таъминлаш, янги технология ва инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, айниқса, иқлим шароитлари учун мос ва қутилган натижа берувчи сифатли екин уруғлари ва навларни яратиш, фермерларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилди. Бу, шубҳасиз, бугунги натижалар асоси бўлмоқда. Маълумки, деҳқон йил буйи меҳнат қилиб, қўзланган ҳосилни олиб, уни шарт-

нома бўйича давлатга сотади ва кейинги йил ҳосили учун тайёрларик кўра бошлайди. Аммо ана шу жараёнда давлат ва фермерлар ўртасида воситачи бўлган айрим тизим ва бўғинлар вакиллари учун ҳар доим ҳам ўз вазифаларига эътиборсиз қараётгани, хусусан, айрим фермерлар маҳсулотини учун тўловларни кечиктираётгани сингари ҳолатлар депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш лозимлигини кўрсатапти. Чунки ушбу фармон ислохотларнинг бугунги даврида фермерлик фаолиятини янги босқичга кўтариш имконини яратиб берди. Унда асосий эътибор соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва қишлоқ мулкдорлари фаолиятини комплекс қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларини очиб беришга қаратилган.

### Матбуот анжумани

#### ҚОНУНБУЗАРЛАРГА НИСБАТАН ЧОРА КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг 9 ойлик фаолияти якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда журналистларга автотранспорт хизматлари бозорида соғлом рақобатни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, хизматлар сифатини ошириш ва прогност кўрсаткичларини бажариш, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар, таъки иқтисодий фаолият, Агентликнинг Кемачилик регистри ва кемачилик инспекцияси фаолияти хусусида кенг маълумот берилди. Анжуманда таъкидланганича, мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида умумий ҳисобда 890,8 млн. тонна юк ва 4 млрд. 791 млн. нафар йўловчи ўз манзилига етказилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 104,9 ва 105,5 фоизни ташкил этади. Кўрсатилган хизматларнинг умумий қиймати 4 триллион 352 млн. сўмдан зиёд бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,4 фоизга кўп демекдир. Тадбирда, шунингдек, юк ва йўловчи ташиш фаолиятини лицензиялаш ҳамда лицензия талаб ва шартларининг бажарилишини назорат қилиш билан боғлиқ вазиятга ҳам изоҳ берилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 35000 та лицензия билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

### 1991 ЙИЛИ АНДИЖОН ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УМУМИЙ СОНИ 32 ТАНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, ЖОРИЙ ЙИЛДА БУ КЎРСАТКИЧ 69 ТАГА ЕТДИ. УЛАРНИНГ 55 ФОИЗИ НОДАВЛАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДИР

ларининг умумий сони 32 тани ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 69 тага етди. Уларнинг 55 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани, айниқса, эътиборга молик.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жаҳиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқиб, ушбу вилоятларда ҳам оммавий ахборот воситаларини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислохот этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритишлари учун барча зарур ҳуқуқий-ташқилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратишга оид масалалар юзасидан аниқ вазифалар белгиланиб, қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар эътибор этганидек, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замон соҳа ҳодимлари олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Ана шу омиллардан келиб чиқиб, тўртинчи ҳокимият вакиллари масъулиятини янада ошириш, янгилаштириш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка ҳолисона, тезкор ва ишончли тарзда етказиш, матбуотда эълон қилинаётган материаллар таҳлилга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Бинобарин, энг долзарб, энг ўткир мавзулар, таҳлилий ва танқидий чиқишлар савияси, уларда ўртага ташланган муаммоларни ечиш учун жамоатчиликни жалб этиш, уларга давлат ва

ҳимоялаш, уларни таълим ва маданий савиясини оширишга, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлашга қаратилган сифатли, медиа маҳсулотлар билан таъминлашга замонавий ахборот технологиялари ва Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари ва журналистлар масъулиятини оширишга қаратилган қатор тақлиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Йиғилишда, муҳокама қилинган масалалар бўйича ҳар икки вилоятда ҳам ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина, — деди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нуриддин Муратов. — Жумладан, соҳа ҳодимлари малакасини ошириш, ижодий фаолиятини замонавий журналистика қондалари асосида ташкил этиш, малакали журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, соҳани янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, журналистларнинг иختисослашувини олий ўқув юрталарида бошлашга эътибор қаратиш, уларнинг профессионал маҳоратини замон талаблари даражасига кўтариш зарур.

Бу борада Юртбошимиз Концепциясининг ахборот соҳасини ислохот қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида илгари сурилган гояларни оғишмай амалга ошириш, тақлиф этилган янги қўнунлар лойиҳаларини янада мукамаллаштиришга устувор аҳамият қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

# Мўйноқдаги муҳокамалар моҳияти

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

— Табиий ресурсларга етказилган талафот миқдорини миллиардлар билан ҳам ўлчаб бўлмастлиги ҳаммамизга яхши маълум, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Пўлат Реймов. — Айни пайтда Мўйноқнинг жуғрофий жойлашуви — бошқа туманлар, автомобиль ва темир йўллар сингари коммуникациялардан анча олдда эканини ҳам унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, муҳим дастурлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси эса бундай истиқболли лойиҳаларни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки улар ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилган ҳам фаол иштирок этмоқда. Чунки партиянинг Сайловолди платформасида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар масъулиятини оширишда ўз ваколатларидан иччил фойдаланиш белгилаб олинган.

Бугун Мўйноқ тумани ҳудудда газ конларини бургулаш бўйича амалга оширилган йиллик инвестицияларнинг қисми бўлиб, бундан ташқари, БМТ тузилмалари томонидан Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда био хилма-хиллигини асраш ва экологик инқироздан азият чеккан кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги ишлар эътиборга созулган.

— Орол денгизининг қуриши натижасида юзага келган мураккаб экологик ҳолат Мўйноқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатгани нафақат тadbир иштирокчилари, балки жаҳон жамоатчилигига ҳам маълум, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий вазирлиги ўринбосари Жамил Адилев. — Аммо ана шундай қийинчиликларга қарамай, Президентимиз раҳнамолигида қабул қилинган Давлат дастурлари ва минтақа миқёсида амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли ҳудудда халқ ҳўжалиги тармоқларини иччил ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.


Айни пайтда туманда жами 5996 гектарлик экин майдонига эга 35 та фермер ва 4569 та деҳқон ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Тайёрланаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 91,9 фоизи айнан уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Шунингдек, туманда чорвачилик, паррандчилилик, балкичилик ва асаларчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида 591 тонна гўшт, 982 тонна сўт, 373 минг дона тухум етиштирилди. Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тегишли равишда 117,

144 фоиз ҳамда 2,3 марта кўпдир.

Ўтган йили тумандаги sanoat корхоналари томонидан 64,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 57,7 миллиард сўмни ташкил қилди. Шунингдек, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга жиддий эътибор қаратилиши туфайли ҳисобот даврида 2,2 миллиард сўмлик шундай маҳсулот тайёрланганини ҳам мутахассислар ижобий ҳолат, деб баҳоламоқдалар. Бунда О'зЛиДеР электорати бўлган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари, хусусан, «Шагирлитутуну» масъулияти чекланган жамияти сингари ўнлаб тadbиркорлик тузилмаларининг сезиларли улуши бор.

— Истиқболдаги режалар нафақат мўйноқликлар, балки барча-барчамизни қувонтириши табиий, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорги Кенгесидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Ботир Мирзаев. — Жумладан, «2013-2016 йилларда Мўйноқ туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури»га кўра, sanoat маҳсулотлари ҳажмини 92,6 миллиард сўмга етказиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг 1,5 миллиард сўмга ошириш кўзда тутилган. Кейинги йилда туманда балик консервалари, сўт маҳсулотлари ҳамда турли ширинликлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарнинг иш бошлаши режалаштирилган. «Қўнғирот-Мўйноқ» йўналишида лойиҳа қиймати 14,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган умумий узунлиги 101 километрлик сув тармоғининг тортилиши ҳам ўз навбатида қатор ҳаётий муаммоларга ечим топиши шубҳасиз.

Амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2015 йилгача ҳудудда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 116 та микрофирма ва кичик корхоналарни очиб кўзда тутилган. Уларнинг ишга туши-



рилиши эса маҳаллий аҳоли учун муҳим иш ўринлари ва барқарор даромад манбаини яратди, албатта.

Илмий-амалий семинарда, шунингдек, геология-қидирув ишларини амалга ошириш чоғида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича «Aral Sea Operating Company» қўшма корхонаси менежери Баҳодир Шукуров, Жанубий Оролбўйида турмуш тарзини яхшилаш ва барқарор ривожланишини таъминлашда ижтимоий шерикликнинг ўрни мавзусида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси Мавлуда Ширинвалар сўзга чиқиб, ҳудудда амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларнинг аҳамияти ва уларнинг дастлабки натижалари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

— Мўйноқ деганда кўпчилик, айниқса, хо-

рижликлар кўз ўнгиде гуёки ҳаёт тўхтаб қолган жой намоён бўлиши мумкин. Аслида бугун туманда умуман бутунлай бошқача манзарани кўраёلمиз, — дейди О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ботир Бекжанов. — Мана, бунинг ўзининг ҳам кўриб турибсиз. Атрофда бир қаранг ҳамма жойда бўлгани каби Мўйноқда ҳам бунёдкорлик ишлари авжга чиққан. Биргина болалар спорт мажмуаси қурилиши учун 582 миллион сўм ажратилган бўлса, sanoat-transport колледжининг ўқув биносига яна 915 миллион сўм сарфланиши режалаштирилмоқда. Илмий-амалий семинарни айнан шу ерда ўтказишдан мақсад ҳам амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш баробарида сармоявий лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилиши, бу

жараенда қонунчиликка қатъий риоя этиш, айниқса, атроф-муҳитга зарар етказмаслик юзасидан таъсирчан назоратни амалга оширишдан иборатдир.

Мўйноқдан қайтар эканмиз, туман ҳокими Қудайберген Утеиёев экологик инқироз юз беришидан олдинги лаҳзалар акс этган музей ва Орол денгизининг собиқ портини кўришга таклиф қилди. Йўл-йўлакай маҳаллий аҳолининг шахсий уй-жой қура бошлагани уларнинг эртанги кунга ишончининг нишониси экани хусусида сўз очди.

...Қумга мўхланиб қолган кемалар. Собиқ портда шундай манзара ҳўкмор. Турган жойида занглаб қолган «сузгич»ларга нигоҳ ташлар экансиз, бир пайтлар мавжлашиб турган денгиз хаёлингизда намоён бўлади. У келажакда ҳақиқатга айланса не ажаб. Ахир оққан дарё — оқмай қолмайди.

## Шарафли касб эгалари

### Бурч масъулияти

Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилиб ўсган Жавлонбек Маткаримов ёшлигидан Ички ишлар идораларида хизмат қилишни кўнглига туккан эди. У аввал қишлоғидаги ўрта мактабда, кейинчалик мактаб-интернатда таҳсил олди

Урганч давлат университетини тамомлагач ўз орзусига эришди. Ж.Маткаримовга ўз фаолиятини жаҳон маданиятига муносиб улуш қўшган кўхна ва ҳаммаша навқирон Хива шаҳридан бошлаш nasib эди. Ен-атрофидаги устозлари эш ҳодимдан ўз маслаҳатларини аямалдар, хизмат сирларини эринмай ўргатдилар.

Хукуматимизнинг 2001 йилдаги қарорига асосан, профилактика хизматини янада ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилганлиги кўпчиликка яхши маълум. Илгари зарур шарт-шароити бўлмаган бир хонада иш олиб борилган бўлса, бугун хизмат тартиби тўғри ўзгарди. Эндиликда фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла посбонлари, диний-маърифий, ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ўзаро ҳамкорликда

фаолият кўрсатмоқдалар. Бу эса маҳаллаларда тинчлик ва оёсийшарликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этапти.

Мана, бир ярим йилдирки, у Хонқа туман Ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори вазифасида хизмат қилиб келмоқда. Зиммасидаги вазифалар қўламини анча кенг. Туман ҳудудидеги барча милиция таянч пунктлари ишини тўғри ташкил қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган самарали усуллари жорий этиш, жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кенгайтириш Ж.Маткаримовга хос вазифалардир.

— Обру-эътибор ҳалолат меҳнат

орқали топилади. Кечагина Ички ишлар идораларида хизмат фаолиятини бошлаган Ж.Маткаримовнинг ўзи ҳам бугун ёшлиларнинг талабчан ва севимли мурабийсига айланган, — дейди туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, майор, Б.Худойбергенов. — Бу ҳам бир омалдир.

Оила — жамиятнинг таянчи. Бинобарин, 2012 йилнинг «Мустақам оила йили» деб эълон қилинишида катта маъно бор. Ж.Маткаримов турмуш ўртоғи Замирахон билан тўрт нафар қизни тарбиялаб, вояга етказди. Эндиликда фарзандлар, набиралар ардоғида фаровон ҳаёт кечирмоқда. Лекин Ж.Маткаримов хизматдан асло чарчамайди. Зеро жамиятга, одамларга кераклигини ҳис этиб яшайдан ортиқроқ бахт борми?!

**ИИВ Матбуот хизмати**

# Партиявий дастурлар

ёхуд Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг муайян мақсадларга қаратилган Ҳаракат дастурлари жойларда қандай натижа бермоқда?

Яшнар ХУДОЙБЕРГАНОВ,  
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотчиси

Агар О'зЛиДеРнинг 2011-2012 йиллардаги фаолиятини таҳлил этсак, ана шу даврда партия аниқ мақсадларга қаратилган дастурлар яратиб, улар ижросини қатъий назоратга олганини кўриш мумкин. 2011 йили Сурхондарё ва Андижон вилоят кенгашларида илк Ҳаракат дастурлари қабул қилинган бўлса, 2012 йилга келиб халқ депутатлари Бўхоро, Жиззах, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоят кенгашларида О'зЛиДеРнинг навбатдаги Ҳаракат дастурлари қабул қилинди.

Ҳўш, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи томонидан тайёрланган ушбу ҳужжатлар бугунгача қандай натижалар берди?

Ушбу саволга жавоб қайтариш учун халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашида тадқиқланган 7 боёндан иборат Ҳаракат дастурининг битта йўналиши натижаларини кўриб чиқайлик. Унинг «Коллеж битирувчиларини тadbиркорликка жалб этиш, уларда тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш» номли бешинчи йўналиши асосан О'зЛиДеР Фарғона вилоят кенгашида ўртамаҳсул таълим йўналишида олиб борилаётган ишлар самардорлиги, коллежларда тadbиркорлик асослари фанининг ўқитилиши сифати, тadbиркорликка тайёрлаш масалаларига қаратилган. Масалан, Ёзёнов туманидаги касб-ҳўнар коллежларининг 12862 нафар битирувчиси О'зЛиДеР туман ва шаҳар кенгаши, депутат ва бошланғич партия ташкилоти етакчиларига бириктирилган. Барча коллежларда «Тadbиркорлик — тараққий қўзғуси», «Бунёдкор ёшлар — миллий юксалиш омили» мавзусида тadbиркорлик ташкил этилгандан кейин ёшларга кредит олиш, тadbиркорлик фаолиятини оид қонун ҳужжатлари билан атрофлича танишиш имконияти яратиб берилди. Битирувчиларнинг тadbиркорлик ҳақидаги тушунарларини кенгайтиришда мулкдорлар тажрибасидан унумли фойдаланилганини эса алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Водий имкон транс» хусусий корхонаси, «Амиридин ери», «Миндон Мирзахамдам», «Нон Наврўз» фермер ҳўжаликлари, «Чимён форум», «Одилхожи» МЧЖ каби ўнлаб ташкилотлар бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан эса ўқувчилар амалиётини мониторинг қилиш йўлга қўйилди.

Шундан кейин тайёрларликнинг иккинчи

босқичига қадам қўйилди, яъни асосий эътибор бизнес-режа тузиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, кредит портфелини шакллантириш масалаларига қаратилди. Шу ўринда кредит учун гаров таъминлаш масъулияти муайян соҳа вакилларига юклатилгани яхши самара берганини айтиш жоиз. Биринчидан, бунда ўз мулкисини гаровга қўйган ишбилармон бор билим ва маҳоратини кредит қайтарилиши учун ёш тadbиркор фаолиятини йўлга қўйишга қаратади. Иккинчидан, тadbиркорликка эндигина кириб келаятган ёшлар бозор «об-ҳаво»сига ўрган-

нафар умидли тadbиркорлар шаклланган бўлса, уларнинг 446 нафари Темурубекка ўхшаган коллеж битирувчиларидир.

Юқоридеги халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашига О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан тақдим этилган Ҳаракат дастурининг биринчи йўналиши бўйича амалга оширилган битта лойиҳа натижаларини кўриб чиқдик, холос. Агар мамлакатимизнинг олти вилоятда ана шундай дастурлар асосида иш олиб борилаётгани инобатга олинса, депутатлик гуруҳларининг фаолияти қандай натижа бераётти, деган саволга жавоб олиш мумкин

**ҲАРАКАТ ДАСТУРИНИНГ 9 ОЙЛИК ИЖРОСИ НАТИЖАСИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЁШЛАРГА ЖАМИ 5 МЛРД. 184 МЛН. СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. 2012 ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 888 НАФАР УМИДЛИ ТАДБИРКОРЛАР ШАКЛЛАНГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ 446 НАФАРИ ТЕМУРБЕККА ЎХШАГАН КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИДИР.**

гунча ҳимоячи ёрдами доимо ҳис этиб турадилар. Ёш тadbиркор ўз фаолиятини йўлга қўйганидан кейин ҳам Ҳаракат дастурининг таъсири тўхтамади. Бу банқдан кредит олиш ҳамда солиққа тортишга оид босқичларда мавжуд имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш бўйича амалий маслаҳатлар, баъзи ҳолларда эса иқтисодий ҳамкорлик кўринишида давом этди.

Масалан, Фарғона электротехника касб-ҳўнар коллежи битирувчиси Темурубек Турдубоев О'зЛиДеР томонидан таъсир этилган танловда қатнашишдан аввал «Fitо Vivo Classic» МЧЖ раҳбари Неймат Муҳсинов билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳаражат ва даромадлар бирга ҳомўт қилинди. Бу эъзу ишга халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси Қаҳҳор Сиддиқов ҳам қўмак берди.

Темурубек устозлари маслаҳатида шаклланган «Гипстоп маҳсулотларини ишлаб чиқариш» бўйича бизнес-режаси билан «Ёш тadbиркор — юртга мададкор» танловининг Республика босқичида голиб бўлиб, банқдан 14 млн. сўм фойсиз кредит олди.

Энг муҳими, аввал фақат маслаҳат берганлар энди ёш тadbиркорнинг амалий ёрдамчиларига айландилар. Хусусан, Қ.Сиддиқов «Темурхон Elektro Texnik» хусусий корхонасини очиб унун керакли ҳужжатларни расмийлаштиришга қўмаклашган бўлса, Неймат ака «Fitо Vivo Classic» МЧЖдан кафолат тақдим этиб, кредит учун гаров таъминоти масаласини ҳал қилди. Темурубек Турдубоев эса 4 нафар тенгдошнинг ҳам ишлаб чиқаришга жалб этди. Натижада кечаги ўқувчи қурилиш ташкилотларининг бизнес ҳамкорига айланди.

Бир сўз билан айтганда, коллеж битирувчисига берилган амалий ёрдам, яъни бу борада депутатлик ва жамоатчилик назоратининг изчил ўрнатилгани натижасида ёш тadbиркор ўз бизнесини йўлга қўйди. Шу ўринда Ҳаракат дастурининг 9 ойлик ижроси натижасида Фарғона вилоятда ёшларга жами 5 млрд. 184 млн. сўм кредит ажратилганини таъкидлаш жоиз. 2012 йил бошидан буён 888

бўлади.

Тан олиш керак, О'зЛиДеРнинг аниқ мақсадларга қаратилган ушбу дастурлари маҳаллий вакиллик органлари учун ҳам яхши самара бергани ушбу тажрибани янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Зеро, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига юртимиздаги туртга партиянинг депутатлик гуруҳларини томонидан киритилган дастурлар соғлом рақобат асосидаги курашнинг шакллантиради. Чунки ҳар бир партиянинг ҳудудий Ҳаракат дастури муайян электротехника манфаатига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу йўл билан эса ҳудудларда эшчминни қўтаётган айрим масалалар турт қарра кўпроқ муҳокама этилиб, уларни бартараф этишнинг муқоабил йўллари изланади. Натижада аниқ таклифларни ўзида муҳасам этган рақобатбардор ва самарали Ҳаракат дастурлари пайдо бўлади. Энг муҳими, бу жараенда маҳаллий кенгашлардаги партия фаоллари ҳамда БПТлар жалб этилади. Электорат фаолияти билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам иччил ўрғаниб борилади. Маҳаллий кенгашларда эса муносиб дастурлар танлаш имконияти юзага келади. Пировадидега сайловларда Қонунчилик палатасига энг кўп депутатлик ўрини қўлга киритган партиянинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури шаклланади.

О'зЛиДеРнинг Ҳаракат дастурлари асосида амалга оширилаётган бундай ишларни маҳаллий вакиллик органларига самарали таъсир механизми сифатида эътироф этиб, 2014 йилги сайловга тайёргарлик, деб баҳолаш ҳам мумкин. Чунки партия ва унинг депутатлари фаолиятдан манфаатдор бўлган Темурубекларга ўхшаш юзлаб, мингга ёш йигит-қизлар оила аъзолари, яқинлари, ҳамкасблари, қўни-қўшниларига ҳам мазкур партия фаолиятининг амалий самарасини етказса бошлайдилар. Охир оқибатда эса ҳудудда партия илгари сураётган ғоя ва мақсадларга ишонч янада мустаҳкамланади. Бу, ўз навбатида, партиядан кўрсатилган номзодларнинг кўп овоз оlishларига йўл очиб бериши мумкин.



**ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ «ХАТИРАХОНИМ», «Зиё Фаол Сервис» МЧЖлари ва «Биолол полвон» хусусий корхонаси қошидаги БПТ аъзолари ташаббуси билан кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хомийлик ёрдами кўрсатилди.**



**Қўрғонтепа туманидаги «НАФИС ГЎЗАЛЛИК ИФОРИ» фермер хўжалиги қошида бошланғич ташкилот иш бошлади. 16 нафар маслақдошимиз иштирок этган БПТ йиғилишида халқ депутатлари туман кенгаши депутати, хўжалик раҳбари Рўзихон Ҳуснов етакчи этиб сайланди.**



**«ДИЁРБЕК» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДАГИ БПТДА «Хормағ, хашарчилар» шпори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. танкид ижодкор ва санъаткорлар иштирокида ўтган учрашувда кўшмалик илор теримчилар қўмбатбоҳо совғалар билан тақдирландилар.**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

43 (467)-сон

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил  
**25**  
октябрь,  
пайшанба

## Келажакка фаол ёшлар билан

**«Ўзгросаноатлойд» корхонаси қошидаги бошланғич ташкилот аъзолари O'zLiDeP дастури ва Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилмоқдалар**

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,  
XXI ASR

Зеро, «Ўзгросаноатлойд» масъулияти чекланган жамиятида фаолият олиб борётган 100 га яқин ходимнинг асосий қисмини ёш мутахассислар ташкил этади. Корхонада бошланғич партияташкилоти фаолияти тўғри йўлга қўйилгани ишчи-хизматчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сафимизга кўпроқ ёшларнинг қўшилиётгани фаолиятимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатапти, — дейди БПТ раиси, «Ўзгросаноатлойд»нинг безатиш ишлари бўлими бошлиғи Мирсобит Одилов. — Улардаги шижоат, янгиллик яратиш истагини эса фақат қўллаб-қувватлаш лозим. Тадбиркорлик қобилиятига эга бўлган ёшлар партиямиз, умуман, сиёсий фаолият ҳақида маълумотга чанқоқ эканликларини намойиш этмоқдалар. Бошқача айтганда, БПТ аъзолари ислохотларнинг янги босқичида шунчаки томошабин эмас, балки унинг фаол иштирокчиси бўлишга интиляптилар.

БПТ фаолларининг таъкидлашича, бу жараёнда мундарица Файзулла Қосимов ва Вячеслав Тен, кадрлар бўлими бошлиғи Феруза Қосимова ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўлишга эришди. Жумладан, Файзулла Қосимов ва Вячеслав Теннинг «Шухрат» медаллари билан тақдирланганла-



**БПТ АЪЗОЛАРИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ШУНЧАКИ ТОМОШАБИН ЭМАС, БАЛКИ УНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ БЎЛИШГА ИНТИЛЯПТИЛАР.**

ри ёшларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

— Ўзгу мақсадлар инсонни муваффақиятлар сари ундайди, шахсий ҳаётда ва жамиятда ўз муносиб ўрнини топишга қўмаклашди, — дейди БПТ етакчиси. — Янги ишга келган ходимлар малакасини ошириш мақсадида махсус

ўқув-маҳорат хонаси ташкил этилди. Бу тузилма ёшларимиз учун ўзига хос ахборот-ресурс маркази вазифасини ҳам ўтаётди.

Эътироф этиш керак, БПТ аъзолари юқори партияташкилотлари томонидан ташкил этилаётган тадбирларда фаол иштирок этиб, ўз

билим ва кўникмаларини оширмоқдалар. Айниқса, O'zLiDeP Миробод туман кенгаши томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлар БПТ аъзолари билимини ошириш, бошқа маслақдошлар билан яқин мулоқотда бўлиш ва ўзаро тажриба алмашиш учун қўлай шароит яратяпти.

Хулоса қилиб айтганда, бугун «Ўзгросаноатлойд» мутахассисларининг корхона келажакдан кўнгиллари тўқ. Чунки улар ордидан янги бир авлод — ҳам касбий, ҳам сиёсий жиҳатдан ўзларидан қўлишмайдиган, ҳатто устозларидан ҳам ўзиб кетишга интиляётган шогирдлар этишиб келмоқда.

## Ҳамжиҳатлик ютуқлар гаровидир

**«Муборакнефтвазтранс» очик акциядорлик жамияти қошидаги БПТ 300 кишилик йирик жамоа ҳаётида фаол иштирок этмоқда**

Сайфулла ИКРОМОВ,  
XXI ASR

Бошланғич ташкилот етакчиси Файрат Чоршанбиевнинг фикрича, кўйи бугун фаолиятини намунали ташкил этишда Бегали Бозоров, Мушарраф Норов, Жамила Салимова, Гулноза Жўраева, Наврўз Худойбердиев сингари партияташкилот аъзоларининг ўрни алоҳида бўлмоқда.

Файрат Чоршанбиев халқ депутатлари туман кенгашининг депутати сифатида депутатлик гуруҳи фаолиятини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Худуддаги 3 та қишлоқнинг 3 миндан зиёд аҳолиси, айниқса, ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, молиявий кўмак олишлари ёрдамлашиш, худуднинг ички имкониятларини ишга солган ҳолда одамлар фаровонлигини оширишда партияташкилотнинг хизматлари беқисс. Депутатнинг амалий ёрдами билан саргароҳхона, гўзаллик салоҳи, тикувчилик цехи, пойабзал устанонаси каби маъланий-маиший иншоотлар ташкил этилиб, аҳолига намунали хизмат кўрсатишни янада яхшилаш баробарида коллежаларни битирган ёшлар учун ўндан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Ёш қизларга хўнара ўргатадиган тикувчилик цехи фаолияти йўлга қўйилди. Партияташкилотлари тақлифига кўра худуддаги йўлларни раволаштириш, 29-мактабни таъмирлашда корхона томонидан хомийлик ёрдами кўрсатилди. Бу йил фермер хўжалиқлари далаларида етиштирилган галла ҳосили корхона транспорт воситалари ёрдамида ташиб берилди.

— Инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, ўз билим ва маҳоратини тақомиллаштириши, янги ташаббуслар билан майдонга чиқиши керак, — дейди БПТ етакчиси. — Эътироф этиш керакки, ҳар бир инсон ўзига инъом этилган интеллектуал қобилиятини ишга солиса, ўзини ва оиласини боқиб, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга ҳисса қўша олади. Сайловчиларим билан бўлаётган учрашувларда уларнинг тадбиркорликка йўналтириш орқали фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этишга интиляман.



Ҳар бир йиғилишимизда қишлоққа сановатли олиб кириш борасида амалий тақлифлар билдирамиз. Фаолларимизнинг тақлифлари асосида тадбиркорларга имтиёзли молиявий кўмак ажратиш, касб-хўнара таълимини универсаллаштириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш орқали бандликни таъминлашга оид масалаларни туман кенгаши сессияси кун тартибига киритишга ҳаракат қилаёмиз. Худуддаги йирик корхоналарнинг кафилиги орқали оилавий тадбиркорларга кредит ажратиш устида иш олиб бораёмиз. Хусусан, ўнга яқин хотин-қизларга йирик сановат корхоналари томонидан хомийлик асосида тикув машиналари олиб бе-

рилди. Туманимизда оилавий тадбиркорлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Қишлоқларимизда китиз бостирадиган кичик корхоналар ташкил этилаётир. Муборакда иккита йирик нефть ва газ сановати корхонаси мавжудлигини ҳисобга олсак, китизга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Туманимизда чорвачилик яхши ривожланганлиги учун хом ашё муаммо эмас.

Депутат Ф.Чоршанбиев партияташкилот келиб чиқиб, Юртбошимиз раҳнамоллигида қўлга киритилган ютуқлар ва амалга оширилган ислохотлар моҳиятини сайловчиларга етказиш мақсадида олиб борилаётган гоғвий-сиёсий, тарғибот-ташвиҳот ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

## Изчил тарғибот — фаолиятимиз мезони

**Бухоро шаҳрида 1136 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган 46 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар партиятнинг гоғ ва мақсадларини кенг тарғиб этишяпти**

Асқор ИСТАМОВ,  
XXI ASR

«Бухоро» халқаро аэропорти қошидаги кўйи бугун аъзолари ҳам ушбу жараёнда фаол қатнашиб, O'zLiDeP Дастури ва Низомида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда бошқаларга ўрнак бўляптилар.

Партия аъзолари орасида парвозларни аэронавигацион таъминлаш хизмати навбатчиси Умид Шарипов, аэропорт бошланғич касабга уюшмаси кўмитаси раиси Учқун Нуров, бош механик хизмати техниги Вазира Камолитдинова ўз хизмат вазифалари билан бирга партиятвий кўрсатмаларни ҳам сидқидилдан бажаришмоқда. Масалан, БПТ аъзоси Наргиза Мамажоновна ёш оилаларнинг иж-

тимой муҳофазаси масалалари билан шуғулланаётган бўлса, БПТ етакчиси Саодат Гафурова жамоа аёлларининг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга бош-қош бўляпти. Корхона музейи директори Исмомил Умаров эса турли мавзуларда семинар-тренинглари ўтказишда жонбозлик кўрсатмоқда. Бундай ўқувлар партияташкилотнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Яқинда БПТ аъзолари Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят бўлими ва Бухоро Давлат университети профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Суд-ҳуқуқ ислохотлари — амалда», «Фуқаролик жамияти институтла-

ри: демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, қонуний манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омил», «Маънавият — инсон учун куч-қудрат манба» мавзуларида семинар ўтказилди.

БПТ фаоллари кам таъминланган оила аъзолари ва 32-махсус мактаб-интернат ўқувчилари учун Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ва бошқа муқаддас қадимжолар, Бухорининг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатлар ҳам уюштирмоқдалар. Шу ўринда БПТ ташаббуси билан ўтказилган барча тадбирларда аэропорт директори, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Тоҳир Бахроновнинг фаол иштирок этишгани таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Бухоронинг

ҳаво дарвозасига 1997 йилда халқаро аэропорт мақоми берилган бўлиб, у соатига 400 нафар йўловчига сифатли хизмат кўрсата олувчи замонавий терминал ҳамда барча қўлай шароитларга эга.

БПТ учун ажратилган хонанда тарғибот-ташвиҳот ҳамда партияташкилотнинг маънавий-маърифий камолоти учун зарур илмий-сиёсий адабиётлар, қўлланма ва меъёрий ҳужжатлар тўпламлари, марказий нашрлар, жумладан, «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси йиғма жилдини кўриш мумкин. Хуллас, ушбу кўйи бугундаги ишлар худуддаги партияташкилотлари фаолиятини ошириш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, пировардида эса O'zLiDeP обрў-эътиборини янада оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида  
2013 йил учун

**XXI ASR**

ижтимоий-сиёсий газетасига

**ОБУНА**

бошланди.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган O'zLiDeP «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда партият дастурида назарда тутилган устувор вазифалар доирасида «Ёш олимлар ва тадқиқотчилар танлови» ўтказилишини маълум қилади.**

Танлов ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг қонунийлик, меъёрий-ҳуқуқий базасини чуқурлаштиришга оид дастурий мақсад ва вазифаларни муҳама қилиш, партият кадрлар заҳирасига иқтидорли ёшларни жалб этиш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат соҳаларида ўсишлари учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Танловда 35 ёшгача бўлган, турли соҳаларда олимий излашлар олиб бораётган мутахассислар ва тадқиқотчи ишлар иштирок этишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларига кўйидаги долзарб йўналишлар бўйича ёзма илмий ишлари билан катнашиб тақлиф этилади:

- I. Давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасида.
- II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида.
- III. Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш соҳасида.

Танлов ғолибларига барча йўналишлар бўйича энг яхши ишлар учун қўйидаги мукофотлар ажратилган:

1-ўрин учун — ноутбук;  
2-ўрин учун — компьютер;  
3-ўрин учун — нетбук.  
Бундан ташқари O'zLiDeP томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танлов ҳақидаги тўлиқ маълумотни WWW.uzliber.uz сайтдан олишингиз ва қўшимча ахборот учун (8371) 255-48-17 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

# Тарозининг икки палласи

## ёки айрим тадбиркорларнинг қонунларни яхши билмаслиги, шартнома шартларига жиддий эътибор қаратмаётганлари қандай оқибатларга олиб келаётгани хусусида

Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ

Маълумки, истиқбол йиллари мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, иқтисодий-тизмизнинг муҳим бўлинига айланган ўрта қатлам манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилди. Президент фармонлари ва қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунлар таҳлили ҳам ўтган даврда айни шу соҳани изчил ривожлантириш, ўрта қатлам вакиллари учун қўшимча имтиёз ва преференциялар тизимини яратиш дари бўлганини кўрсатмоқда. Ана шундай қўлайликлардан фойдаланаётган ишбилармон юртдошларимиз жойларда ишлаб чиқаришни изчил йўлга қўйиб, соғлом рақобат муҳитида ички ва ташқи бозорга ўз маҳсулотларини чиқармоқдалар. Энг муҳими эса бу жараёнда минг-минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, бунинг тадбиркорлар ўзбекистондаги энг фаол ижтимоий қатламга айланди.

Давлат сиёсатининг адолатлилик ва инсонпарварлик тамойилларига таянаётгани, инсон ҳуқуқлари ва тадбиркорлик субъектлари манфаатлари давлат томонидан қўлайлаштирилганлиги улар учун ҳуқуқий ҳимоя вазифини ўтамоқда. 2011 йилда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни билан эса иқтисодий жониятларни содир этиб, моддий зарарни қўлаган шахсларга озолиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги белгилаб қўйилди.

Қонунийликдаги бундай либерал нормаларнинг дунё миқёсида қабул қилингани ҳам давлат сиёсатининг бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида олиб борилаётгани ва фуқароларга ўз хатосини тузатиш учун кенг имконият яратилганидан далолатдир.

Бироқ шунга қарамай, айрим тадбиркорлар томонидан йўл қўйилаётган ҳатолар, қонун талабларини билмаслик уларнинг ўзлари учун қимматга тушаётгани афсусланарли ҳолатлар.

Тахририятга келиб тушган айрим ариза ва мурожаатлар ҳам шундан далолат бераётди. Масалан, тадбиркор Н.Маҳмудов «ИМКОН ЛТД» хусусий фирмасининг раҳбари сифатида 2004 йили Корея ва Эрон компанияларини жалб этиб, «Имбек» қўшма корхонасини ташкил этди. Ушанда хорижий инвесторлар ўзларининг 60 фоизли улушларини 1 млн. АҚШ долларига тенг мотор мойи ишлаб чиқариш ускуналари билан киритдилар. «ИМКОН ЛТД» эса 40 фоизли улушини бино ва иншоотлар билан шакллантиради. Гарчи 2004 йили завод ишга тушиб, маҳсулот чиқара бошлаган бўлсада, 2005 йилга келиб мой сотиб олиш имкони бўлмагани боис завод фаолияти тўхтаб қолади. Гарчи корхона улгуржи савдо билан шуғулланишда давом этса-да, бу инвесторлар кутган даражада фойда келтирмайдилар. Шу сабабли ҳам 2010 йилга келиб чет эллик сармоядорлар ўз улушларини сотиш ниятига тушадилар. Бундан хабар тогган Туркия фуқароси Метин Гул ўз шериги Тельман Қахрамонов билан Кувабойга келиб, қўшма корхона тасарруфидаги заводни қўздан кечиради. Тақлифнинг ниҳоятда муҳим экани инобатга олиниб, туркиялик мутахассисларга ишлаб чиқариш ускуналари, корхона қуввати ва келгусида олиниши мумкин бўлган даромад атрафлича ҳисоб-китоб қилинади. Хом ашё сотиб олиш йўлга қўйилса, рентабеллик даражаси юқори бўлишига ишонч ҳосил бўлган, 2010

йилнинг август ойида шартнома асосида чет эл таъсисчиларининг 60 фоизли улушини 2,5 млн. АҚШ долларига сотиб оладилар.

Шундан кейин Тельман Қахрамонов индустриал мой сотиб олиш ҳаракатига тушади. Метин Гулнинг ўзи ҳам икки марта Фарғонада бўлиб, нефтни қайта ишлаш заводи мутасаддилари билан музокара олиб боради. 2010 йилнинг декабрь ойида завод ускуналарининг бир қисmini янгилаб, хориждан мотор мойи ишлаб чиқаришда ишлатиладиган «присалка»ларни келтиришди. Лекин 2011 йилнинг июнь ойидача мой сотиб олиш имкони бўлмаганидан сўнг Метин Гул Россиядан адвокат ёллаб, ҳуқуқ-тартиб идораларига Н.Маҳмудов ва бошқалар томонидан алдангани тўғрисида мурожаат этди.

Метин Гулнинг россиялик адвокати Ю.Булаков томонидан тайёрланган аризада Н.Маҳмудов, М.Джалалов, Э.Фаниев ва С.Турсуновлар завод катта фойда келтиради, деб туркиялик тадбиркорни алдаганликлари оқибатида қўшма корхонанинг 60 фоизли улуши сотиб олингани, лекин аслида ушбу маблағ фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилгани вақ килиб кўрсатилади. Шу тариқа Н.Маҳмудовга нисбатан фирибгарлик жинояти аломатлари билан иш қўзғатилади.

Агар суд ҳукми чуқурроқ таҳлил этилса, асосий айбдорлик айнан ана шу, яъни фирибгарлик билан боғлиқ экани яққол кўзга ташланади.

Унга қўра, М.Джалалов, Э.Фаниев ва С.Турсуновлар Метин Гулни алдаш мақсадида унга 2010 йилнинг август ойида завод бир ойда 3 млн. АҚШ доллар миқдоридан фойда келтиради, деган сохта кафолатнома тақдим этганлар.

Аммо воқеалар тафсилотида чуқурроқ назар ташласак, 2010 йилнинг июнь-август ойларидан Метин Гул ва Тельман Қахрамонов Кувабойда бўлиб, заводни обдон кўздан кечирганларини, дунё бозоридан тан олинган маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ҳаражатларни ҳисоб-китоб қилиб, корхона низом жамғармасидаги асосий улушини сотиб олишганидан кейин Н.Маҳмудов, М.Джалалов, Э.Фаниев ва С.Турсунов билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаганларини кўрамыз.

Лекин юқорида таъкидланганидек, 2011 йилнинг июнь ойида уларнинг хом ашё сотиб олишига қаратилган ҳаражатлари натижа бермайдилар. Агар ўша пайтда корхона хом ашё сотиб олишни йўлга қўйганида ўз маҳсулотини экспорт қилиб, томонлар киритган инвестицияни қоплаш имкони яратилган бўларди.

Маълумки, заводнинг келгуси даромадларини туркиялик мутахассисларга ҳисоб-китоб қилдириган жаноб Метин Гул фойда салмоғининг юқори бўлишидан рўхсаниб, ўзбекистонлик фуқароларни шерикликка таклиф этган эди. Бундан ташқари, Метин Гул уларга ўз маблағларини заводни қайта жиҳозлашга сарфлашга, бунинг эвазига уларнинг ҳар бирига 10 фоиздан улуш расмийлаштиришга ваъда берди. Шу сабабли ҳам ўзбекистонлик фуқаролар туркиялик ҳамкорлари таклиф этган кафолатномани имзолаб, шахсий маблағларини заводни қайта жиҳозлашга сарфлайдилар.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега Метин Гулга завод фаолиятига ҳеч қандай ало-

қаси бўлмаган шахсларни кафолат хатига имзо чектириш керак бўлиб қолди? Зеро, корхона ҳар ойда қанча тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши, ундан қанча даромад олиш мумкинлигини аниқ билган Метин Гулнинг бундай кафолатномага ишониши кулгили эмасмиди?

Яна бир қизиқ ҳолатта Эътибор берайлик: гўёки 2010 йилнинг 27 июлида Н.Маҳмудов томонидан имзоланган «Имбек» ҚКга тегишли мол-мулк рўйхати ҳақиқатан ҳам корхонага тегишли бўлмаган мулклар ва ҳуқуқлар: 5 гектар ер (аслида 1,6 га), мой ташувчи 5 та автоцистерна (аслида 3 та), Германияда ишлаб чиқариладиган «Мустанг» мойининг бренди кабилар киритилган.

Ушбу рўйхат ҳам аслида Н.Маҳмудов ва бошқалар камчилигини бўрттириш мақсадида россиялик юрист Ю.Булаков томонидан тайёрланган ҳужжатга ўхшайди.

Чунки 2010 йилда Н.Маҳмудовнинг бундай ҳужжатга имзо чекishi мумкин эмас эди. Сабаби, рўйхатдаги маълумотлар но-тўғри эканини кадастр ва бухгалтер ҳужжатларига солиштириб, аниқлаш икки қарра иккидек равшан эди.

Бундан ташқари, «Мустанг» номили мотор мойи тўғрисида бирон киши эшитганими ўзи? Ҳеч қим!! Чунки шу номида мотор мойининг ўзи мавжуд эмас. Бундай маълумотнинг гирт ёлгон эканини туркиялик бизнесмен билмаслиги мумкинми? Ушбу далаил ҳам Ю.Булаковнинг «Н.Маҳмудов «Имбек» ҚК бутун дунёда машҳур бўлган «Мустанг» мотор мойи брендида эга эканлиги билан Метин Гулни алдаган, ҳаммага маълумки, бундай бренддан фойдаланиш бизнес саложиятини (қиймати) анчайин оширади — деган вақининг нақалар мантқиқсиз эканини тасдиқламайаптимиз?

Иш ҳужжатлари орасида юқорида қайд этилган рўйхатнинг асл нусхаси йўқлигини ҳам изоҳланадиган ҳаражатларни ҳисоб-китоб қилиб, корхона низом жамғармасидаги асосий улушини сотиб олишганидан кейин Н.Маҳмудов, М.Джалалов, Э.Фаниев ва С.Турсунов билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаганларини кўрамыз.

Лекин юқорида таъкидланганидек, 2011 йилнинг июнь ойида уларнинг хом ашё сотиб олишига қаратилган ҳаражатлари натижа бермайдилар. Агар ўша пайтда корхона хом ашё сотиб олишни йўлга қўйганида ўз маҳсулотини экспорт қилиб, томонлар киритган инвестицияни қоплаш имкони яратилган бўларди.

Маълумки, заводнинг келгуси даромадларини туркиялик мутахассисларга ҳисоб-китоб қилдириган жаноб Метин Гул фойда салмоғининг юқори бўлишидан рўхсаниб, ўзбекистонлик фуқароларни шерикликка таклиф этган эди. Бундан ташқари, Метин Гул уларга ўз маблағларини заводни қайта жиҳозлашга сарфлашга, бунинг эвазига уларнинг ҳар бирига 10 фоиздан улуш расмийлаштиришга ваъда берди. Шу сабабли ҳам ўзбекистонлик фуқаролар туркиялик ҳамкорлари таклиф этган кафолатномани имзолаб, шахсий маблағларини заводни қайта жиҳозлашга сарфлайдилар.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега Метин Гулга завод фаолиятига ҳеч қандай ало-

қаси бўлмаган шахсларни кафолат хатига имзо чектириш керак бўлиб қолди? Зеро, корхона ҳар ойда қанча тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши, ундан қанча даромад олиш мумкинлигини аниқ билган Метин Гулнинг бундай кафолатномага ишониши кулгили эмасмиди?

Яна бир қизиқ ҳолатта Эътибор берайлик: гўёки 2010 йилнинг 27 июлида Н.Маҳмудов томонидан имзоланган «Имбек» ҚКга тегишли мол-мулк рўйхати ҳақиқатан ҳам корхонага тегишли бўлмаган мулклар ва ҳуқуқлар: 5 гектар ер (аслида 1,6 га), мой ташувчи 5 та автоцистерна (аслида 3 та), Германияда ишлаб чиқариладиган «Мустанг» мойининг бренди кабилар киритилган.

Ушбу рўйхат ҳам аслида Н.Маҳмудов ва бошқалар камчилигини бўрттириш мақсадида россиялик юрист Ю.Булаков томонидан тайёрланган ҳужжатга ўхшайди.

Чунки 2010 йилда Н.Маҳмудовнинг бундай ҳужжатга имзо чекishi мумкин эмас эди. Сабаби, рўйхатдаги маълумотлар но-тўғри эканини кадастр ва бухгалтер ҳужжатларига солиштириб, аниқлаш икки қарра иккидек равшан эди.

Бундан ташқари, «Мустанг» номили мотор мойи тўғрисида бирон киши эшитганими ўзи? Ҳеч қим!! Чунки шу номида мотор мойининг ўзи мавжуд эмас. Бундай маълумотнинг гирт ёлгон эканини туркиялик бизнесмен билмаслиги мумкинми? Ушбу далаил ҳам Ю.Булаковнинг «Н.Маҳмудов «Имбек» ҚК бутун дунёда машҳур бўлган «Мустанг» мотор мойи брендида эга эканлиги билан Метин Гулни алдаган, ҳаммага маълумки, бундай бренддан фойдаланиш бизнес саложиятини (қиймати) анчайин оширади — деган вақининг нақалар мантқиқсиз эканини тасдиқламайаптимиз?

Иш ҳужжатлари орасида юқорида қайд этилган рўйхатнинг асл нусхаси йўқлигини ҳам изоҳланадиган ҳаражатларни ҳисоб-китоб қилиб, корхона низом жамғармасидаги асосий улушини сотиб олишганидан кейин Н.Маҳмудов, М.Джалалов, Э.Фаниев ва С.Турсунов билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолаганларини кўрамыз.

Лекин юқорида таъкидланганидек, 2011 йилнинг июнь ойида уларнинг хом ашё сотиб олишига қаратилган ҳаражатлари натижа бермайдилар. Агар ўша пайтда корхона хом ашё сотиб олишни йўлга қўйганида ўз маҳсулотини экспорт қилиб, томонлар киритган инвестицияни қоплаш имкони яратилган бўларди.

Маълумки, заводнинг келгуси даромадларини туркиялик мутахассисларга ҳисоб-китоб қилдириган жаноб Метин Гул фойда салмоғининг юқори бўлишидан рўхсаниб, ўзбекистонлик фуқароларни шерикликка таклиф этган эди. Бундан ташқари, Метин Гул уларга ўз маблағларини заводни қайта жиҳозлашга сарфлашга, бунинг эвазига уларнинг ҳар бирига 10 фоиздан улуш расмийлаштиришга ваъда берди. Шу сабабли ҳам ўзбекистонлик фуқаролар туркиялик ҳамкорлари таклиф этган кафолатномани имзолаб, шахсий маблағларини заводни қайта жиҳозлашга сарфлайдилар.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Нега Метин Гулга завод фаолиятига ҳеч қандай ало-



# Узоқ муддатли хўжалик муносабатлари асосида

## «Ўзэкспомарказ» павильонларида VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давом этмоқда

Меҳрибон МАМЕТОВА,  
ЎЗА муҳбири



Тадбирлар Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқларга саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш доирсида ўтказилмоқда.

Саноатчилар форуми рақобатбардош, экспортбор ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқларга, шунингдек, кичик бизнес ва йирик корхоналар ўртасида саноат кооперациясини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Ҳар кунги етакчи саноат тармоқлари, улар учун инновация лойиҳаларини ишлаб чиқариладиган илмий институтлар, шунингдек, истиқболли кичик корхоналарнинг ўнлаб марказлаштирилган тақдимот маросимлари ўтказилмоқда. Улар орасида Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, «Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати» очик акциядорлик жамияти, «Ўзметкомбинат» очик акциядорлик жамияти, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Агрегат заводи» очик акциядорлик жамияти ва мамлакатимизнинг бошқа йирик саноат корхоналари ҳисоб-китобларини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳар бир вилоятининг тақдироти ҳам бўлиб ўтмоқда.

— Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа мамлакатимиз компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, маҳсулотларимизни етказиб бериш, ўзимизда ишлаб чиқарилган зарур ускуналарни харид қилиш имконини бермоқда, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш-техник ва инновация бўлими бошлиғи Шавкат Мадаминов. — Масалан, Навоий машинасозлик заводи негизда 11,7 минг номдаги маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Қайта ишлаш фабрикалари учун турли дастхоналар, кон-шахта ускуналари, эҳтиёт қисмлар, технология ускуналар шулар жумласидир. Умуман, 2011 йилда заводда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича қиймати 76,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, жорий йилда бу кўрсаткич 90 миллиард сўмдан ошди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлиги ҳам эътиборга созоров. Бу йил комбинатда қўшимча шартномалар тузиш, фаолият қўламини кенгайтириш ва маҳаллийлаштириладиган ускуналарни етказиб беришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимиз саноат салоҳиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаятган ҳудудларнинг тақдимот маросимлари ҳам бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уяғотмоқда. Бунинг сабаби шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор талабларига ўз вақтида мослашмоқда ҳамда талаб этилган сифат ва миқдордаги турли маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятларидан унумли фойдаланмоқда. Шунинг учун улар маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда асосий ўрин тутиши лозим.

Тошкент вилояти ҳудудида 99 йирик ва 3402 кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурида вилоятдаги йиғирмадан ортиқ корхона иштирок этаётир. ҳар йили тузилаётган шартномалар ҳажми ўртача 1,25 баробар кўпаймоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа қайта ишланган хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш, тармоқ ва тармоқ-

лараро кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда узоқ муддатли хўжалик муносабатларини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, уларда тузилган шартномалар вилоят саноати учун мўлжалланган мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган самарали технологиялар, материаллар, асбоб-ускуналарни мазкур ҳудуд бозорига чиқариш имконини бермоқда.

Вилоят корхоналари томонидан эришилган келишувларга мувофиқ вертикал ва марказдан қочирма носослар, поливинилхлориддан тайёрланган фитинглар, кучли ток узатиш кабеллари, трансформаторлар, тақсимлаш қурилмалари, подшипниклар, тўқимачилик буюмлари, ветеринария препаратлари ва бошқа янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг турли давлатларидан юзлаб хорижий компания ва фирмалар вакиллари иштирок этмоқда. Ўзбекистон компаниялари хорижий шериклар билан бевосита амалий музокаралар ўтказмоқда, улар билан тижорат алоқаларини ўрнатмоқда.

— Бундай йирик халқаро саноат форумида иштирок этаётганидан мамнунман, — дейди Украинанинг «Агронафтохим» компанияси раҳбари Борис Коробко. — Қайд этиш жоизки, мазкур тадбир Ўзбекистон иқтисодий фаол ва жадал ривожланиб бораётганидан ёрқин далolat беради. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада яратилган шартшароитлар ва тақдим этилган имкониятлар туфайли мамлакатингиз бозоридан шериклар топиш, жумладан, «Махсус полимер» заводи билан шартнома тузиш ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотларни харид қилиш имконига эга бўлди.

— Бугун Ўзбекистон жадал ривожланаятган давлатлардан биридир, — дейди «Sam Woo T&C, Ltd» консалтинг компанияси директори Кентук Нох (Жанубий Корея). — Шунинг учун Жанубий Корея тадбиркорлари мамлакатингиз ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилишга катта қизиқиш билдиримоқда. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа бизга мамлакатингиз ишлаб чиқарувчилари билан яқиндан танишиш, Ўзбекистон бозоридидаги талаб ва таклифни ўрганиш имконини бермоқда. Натижанда мамлакатимиз ишбилармонларига тақдим этиш учун Ўзбекистон ҳақидаги ҳолис ахборотга эга бўлди.

Форум ишчанлик руҳида ўтмоқда, ишлаб чиқариш корхоналарининг секторлар бўйича пухта ўйланган тизим асосида жойлаштирилган, павильонларда эълон қилинган маълумотлар тадбирлар иштирокчилари ҳамда меҳмонларига ўзларини қизиқтирган объектлар, расмий вакиллари тез излаб топиш имконини бермоқда. Ярмарканинг дастлабки иш кунинда 700 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотларни харид қилиш, шунингдек, қиймати 500 миллион доллардан ортиқ мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган товарларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилиди. Иштирокчилар ва бу ерга ташриф буюрганлар сони эътиборга олинмаган бўлса, бу рақамлар кундан кунга янада кўпайиши шубҳасиз.

### ТАҲЛИЛ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур молиявий муассаса тасарруфида ташкил этилган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюросига лицензия берилганини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган «Кредит алмашинуви тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, кредит бюроси кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот (гаров, кафолат, кафилик, кредитни тўламаслик хавфини сугурталаш) бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳамда кредит ахбороти субъектининг кредит қобилияти, молиявий ҳолати, тўлов қобилияти, тўлов интизоми каби маълумотларни аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборотлар алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатади.



## «МУБОРАКНЕФТГАЗ»


унитар шўъба корхонаси жамоаси

юртдошларимизни файзли,  
шукуҳли айёмлар  
сирасига кирадиган  
Қурбон ҳайити билан  
муборакбод этади.  
Ушбу қутлуғ байрам  
хонадонларингизга  
файзу барака, меҳр-оқибат  
ва шодлик олиб кирсин!



# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

мамлакатимиз  
аҳолисини  
Қурбон ҳайити  
билан самимий  
муборакбод этади.  
Қутлуғ айём арафасида  
Сизларга сиҳат-саломатлик,  
хонадонларингизга  
қут-барака тилаймиз.



**БАЙРАМ ШУКУҶИ СИЗЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!**